

**Р.Б. Маматқулов, - ТДИУ
Талабаси**

Жамиятнинг ривожланишида ахборот коммуникация технологияларининг таъсири

Аннотация: Ушбу мақолада Республикамиз ижтимоий ҳаёти ривожланишида ахборот коммуникация технологияларининг таъсири атрофлича изоҳланган. Республикамизнинг ҳар бир соҳасида ахборот воситаларининг кенг қамровда қўллаш имкониятлари, барқарор иқтисодий ривожланишни даражаси таҳлил қилинган. Шунингдек ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари келтирилган.

Калит сўзлар: барқарорлик, жамият тараққиёти, ислохотлар, интеграция, ахборот технологиялари, инфляция.

Аннотация: В данной статье рассматривается влияние информационных и коммуникационных технологий на развитие общества экономики страны и анализируется степень стабильности и развития экономики, а также возможность масштабного применения информационных средств во всех отраслях республики. Кроме того, в работе приведены способы эффективного использования информационных и коммуникационных технологий.

The summary: The influence of information and communication technologies on development and stability of society economy as well as discussed wide implementation of information resources in all branches of the Republic are discussed and analyzed in the article. Besides, effective usage of information and communication technologies is presented in the article.

Жамиятда ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши халқимизнинг азалий орзуларини, ўзлигини англаш каби тушунчаларнинг мағзини очишга етарлича асос бўлди. Дунё ҳамжамятининг ривожланиши, халқимизнинг ривожланишидаги миллий чегараларимизни англашда яна бир тушунча сифатида эътиров этилди. Жамиятда ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши бугунги кунга келиб, чет эл маданиятини ривожланиш йўлларини бевосита кузатиш имконини берди. Тажриба инсоннинг, халқнинг ва давлатнинг асосий стратегик йўлларини очиб беради. Давлатимиз мустақиллигининг бугунги кунларидан шуни фахр билан таъкидлаш жоизки, бизнинг давлатимиз тўғри сиёсий ҳамда иқтисодий йўлини белгилаб олган ва бу йўлнинг поёни йўқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида [1] «Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади. 2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилади. Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи ажратилди. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди». ҳар бир қонун ҳужжатларининг замирида аввало жамиятимизнинг ижтимоий фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши конституциямизда ҳам алоҳида таъкидланган.

Иқтисодиётдаги ўзгаришларни бошқариш тизимини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, бошқарув механизмида бир қатор ўзгаришлар бўлишини талаб этади. Мисол учун, бизнинг ташқи иқтисодий алоқаларимиз самарадорлигини ошириш учун ташқи бозордаги ҳамкорлар нуқтаи назаридан ва уларнинг талаби бўйича корхоналаримизнинг ишига, уларнинг маҳсулоти сифатига, иқтисодий салоҳиятига ва бошқа томонларига баҳо беришимиз керак. Чунки, корхоналарнинг мустақил тарзда ташқи бозорга чиқиши ва уларнинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги хўжалик юритишда янги жараёндир. Бу жараён, ўз навбатида, иқтисодий таҳлилда ҳам ўзига хос махсус усуллари ишлаб чиқишни ва уларни такомиллаштиришни тақозо қилади.

Ахборот коммуникация технологияларининг миллий иқтисодиётимизнинг ривожланишидаги таъсири таҳлили - бу аввалом бор омилли таҳлилдир. Омилли таҳлил дейилганда кўрсаткичларга ёки уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар тизимини эътиборга олиб ўрганиш тушунилади. Ушбу таҳлилда математик усуллар кенг қўлланилади. Омилли таҳлилда иқтисодий математик усулларни қўллаш, таҳлил қилинаётган жараёнларнинг мураккаблигига, ҳажмига ва ўрганиш лозим бўлган вазифаларига боғлиқдир. Мазкур жараёнлардан келиб чиқиб бу усул таркибидаги хоҳлаган усулимизни (интеграл, регрессив ва корреляцион, эвристик ва ҳ.к.) танлаб олишимиз мумкин.

Ҳар бир ҳисоб-китоб иши борки, у аввалом бор ўз шартини белгилаш билан бошланади. Аниқланаётган объектни шартини белгилаш бизнинг олдимиздаги

асосий вазифани белгилаб беради ва шунинг учун ҳам ишимизни масала шартини белгилаш билан бошлаймиз. Шундай экан шартни белгилашдан кейин бу жараёнга таъсир этувчи омилларни кетма-кетлигини аниқлашимиз зарур. Чунки, ҳар бир жараённинг содир бўлишига турли хил омиллар таъсир этади. Ушбу жараёнда биз таҳлил мақсади ва унинг олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб керакли бўлган омилларни аниқлашимиз зарур.

Бу икки назарий босқич якунидан сўнг биз амалий босқични бошлаймиз, яъни иқтисодий математик ҳисоблаш усулини белгилаш бу босқичга қадам ташлаганлигимиздан далолат беради. Ундан ҳисоб-китоб ишлари бажарилиб, ҳисобланган кўрсаткичлар ва натижалар таҳлил қилинади.

Ахборот коммуникация технологияларининг миллий иқтисодиётимизнинг ривожланишидаги статистик моделлар ва иқтисодий омиллар тизимини таҳлили.

Омиллар тизимини модельлаштиришда иложи борица ҳисобланиб ўрганиладиган барча омиллар бир- бири билан боғлиқ ҳамда умумий натижага таъсир этишни аниқ ҳисоблаш имконияти бор деб белгилаш талаб этилади. Бунда, ўрганилаётган кўрсаткични келтириб чиқарадиган мутлақ кўрсаткичлар ҳамда нисбий кўрсаткичлар илмий асосда аниқланади ва жадвалга жойлаштирилади. Уларнинг ҳар бири математик ифодалар билан белгиланади ҳамда формулалаштирилади. Мисол учун, рентабельлик кўрсаткичи соф фойдани асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қийматига бўлиш воситасида топилади.

Жамиятга ахборот технологияларининг таъсири Ахборот коммуникация технологиялари вазирлигининг умумий фаолиятига баҳо берганимизда энг аввало жамиятга таъсири, иқтисодиётимизнинг равнақ топишига тутган ўрни каби тушунчалар орқали изоҳланади. Аҳоли фаровонлигини янада ошириш, мамлакатнинг иқтисобий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш Ўзбекистон ҳукумати сиёсатининг устувор вазифалари қаторига киради. Мазкур вазифанинг моҳияти, мақсади ва истикболдаги ривожи Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан 2013 йилнинг 27 июньда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида [3] ҳам ўз ифодасини топди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури [4] тасдиқланди.

Дастурнинг бош мақсади иқтисодиётнинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни ривожлантириш, ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларининг яратилишини жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони ва сифатини янада оширишдан иборат.

Ягона интерактив портал орқали 2015 йилда муаммоларнинг ҳал этилиши автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилиб, ҳар бир мурожаат холис равишда кўриб чиқилиши йўлга қўйилган. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шартли равишда яна икки дастурга бўлиш мумкин. Биринчи дастур – Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация технологиялари, тармоқ ва инфратузилмасини ривожлантириш бўлса, иккинчи дастур – «электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси комплексини яратиш.

Ягона интерактив портал орқали 2015 йилда муаммоларнинг ҳал этилиши ҳолати

№	Номланиши	Янги	Кўриб чиқилмоқда	Муддати ўтганлар	Тугатилганлар	Рад этилганлар	Жами
	ЖАМИ	11	86	36	41255	1030	42382
1	Хоразм вил	0	8	0	6358	33	6399
2	Фарғона вил	0	0	0	5815	96	5911
3	Тошкент вил	0	0	0	5136	194	5330
4	Андижон вил	2	56	10	8029	99	8186
5	Сурхондарё вил	0	6	1	3261	41	3308
6	Тошкент шаҳ	0	2	2	2251	164	2417
7	Наманган вил	0	0	0	2697	46	2743
8	Қорақалпоғистон рес	0	4	4	2715	108	2827
9	Навоий вил	4	1	5	2224	32	2261
10	Бухоро вил	3	0	3	825	60	888
11	Қашқадарё вил	2	8	10	707	87	804
12	Самарқанд вил	0	0	0	928	50	978
13	Жиззах вил.	0	1	1	309	12	322
14	Сирдарё вил	0	0	0	0	8	8

Телекоммуникация технологиялари, тармоқ ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кенг полосали технологиялар ёрдамида симли ва симсиз алоқани, маълумотлар узатиш ҳамда овозли трафик коммутация марказларини янада ривожлантириш, магистрал телекоммуникация тармоқларини таъмирлаш ва кенгайтириш, мултимедиа хизматларини кўрсатиш учун зарур инфратузилмани яратиш вазифалари белгилаб олинган.

Мисол учун, 2020 йигача кенг полосали оптик алоқа тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш, ундан сўнг мамлакатнинг барча ҳудудларида ЭВДО, 3Г, 4Г ЛТЕ база станцияларини ўрнатиш ишларини олиб бориш режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989 сон Қарори билан [5] Ўзбекистон Республикасида «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари комплекслари ва маълумотлар базаларини яратиш бўйича чора-тадбирлар ҳамда лойиҳалар рўйхати Комплекс дастури тасдиқланган.

- Комплекс дастур – Ўзбекистонда «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган 22 та лойиҳа ва 6 та тадбирларни ўз ичига олади.

- Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантиришнинг Комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ташкил қилинган.

Шу билан бирга Вазирлик қошида 2 та йирик «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказларини ташкил этиш белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузалари;

2. EIB-B231: International Business Strategy and Operations 2015 йил;

3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан 2013 йилнинг 27 июнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий

ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори;

4. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури;

5. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989 сон Қарори.